
Бағдодлик олим илмий сафар билан кўхна қитъага борди

Бағдодлик Эркинжон Каримов – физика-математика фанлари доктори, илм-фан соҳасида кўплаб ютуқларга эришган, ўнлаб илмий мақолалар ва рисоалар муаллифи. Ҳозиргача дунёнинг кўпгина ривожланган давлатларида ташкилланган халқаро анжуманларда, нуфузли хорижий олий таълим муассасаларида илмий маърузалари билан қатнашган. Айни кунларда Бельгия давлатида илмий сафарда бўлиб турган олим билан боғландик.

- Бу галги сафаримиз бир ярим ойга мўлжалланган. Мақсад – туниқли профессор Michael Ruzhansky нинг халқаро илмий гуруҳидаги олимлар билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, шу билан бирга, докторантимиз Баҳодир Тоштемировнинг диссертациясини ҳимояга топширишдан иборат. Бўш вақтларимда кўхна қитъада жойлашган турли шаҳарларни томоша қилиб, дунё халқларининг урф-одатлари, маданияти ва тарихини ҳам ўрганишман. Масалан, айни пайтда Париж шаҳридаман. Бунгача Люксембург давлатида ва Германия пойтахтида маълум муддат турдим. Эртага, насиб бўлса, Амстердамга боришни режаллаганман.

Ҳар бир давлатнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Қадимий шаҳарсозлиги, обидалари, табиати ва қадриятларида ҳам фарқ яққол сезилади. Мисол учун, Берлин кўчалари нисбатан кенг, одамлар йўл ҳаракати қодаларига қатъий риоя қилади. Жамоат транспортлари жуда тартибли ҳаракатланади, умуман, немисча тартиб-интизомнинг гувоҳи бўласиз. Лекин Париж ҳақида бундай дея олмайман. Шундай бўлса-да, бундаги ҳаётнинг жадаллиги, биноларда архитектуравий ечимларнинг ноанъанавийлиги кишини ҳайратга солади. Хуллас, таассуротлар бир дунё...

Маълумот учун: Эркинжон Каримов ҳозирда Фарғона Давлат университетининг математика-информатика факультети доценти сифатида фаолиятини давом эттирмоқда. У илк хорижий сафарини 2004 йилда Берлин эркин университетида ўтказилган халқаро анжумандаги иштироки билан бошлаган бўлса, ҳозирга қадар Туркия (2007 й.), АҚШ (2008 й.), Англия (2009), Испания (2010 й.), Германия (2011 й.), Италия (2012 й.), Хитой Халқ Республикаси (2013 й.), Жанубий Корея (2014 й.), Оман (2015, 2017, 2018, 2020 й.), Шотландия, Ҳиндистон, Австрия (2016 й.) ҳамда Бельгия (2019 й.) давлатларида илмий сафарларда бўлишга улгурди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2022-08-09 13:28:13